



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз АСТА NUUz

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/12/1**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сағдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Нишонова О.Ж. – ф.ф.д., проф.

Абдуллаева Н.Б. – ф.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Утамурадов А. – ф.ф.н., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Рофиева Г.Ю. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

Алламуратова С. Вопросы гендерной политики в республике Узбекистан	4
Ботирова Н. Ўрта Осиё халқлари ҳарбий санъати тараққиётида кўчманчиларнинг ўрни	7
Каримова М. Фарғона водийсида аёллар иштирокида ўтказилувчи “Мавлуд” маросими хусусида айрим мулоҳазалар	10
Машарипов Қ., Ражабова З. Мўғул босқини даврида Хоразмшоҳ – ануштегинийлар қўшини сони хусусида баъзи мулоҳазалар	13
Сафаров С. Мустақиллик йилларида Қашқадарё вилоятида туризм соҳасининг ривожланиши	17
Убайдуллаева С. Исследование системы региональной безопасности центральной Азии на современном этапе	21
Холикулова Х. Право лиц с ограниченными возможностями здоровья на образование	25
Худояров У. Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркибидаги ўзгаришлар тарихи: муаммо тарихшунослиги	27
Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология. Сийсий фанлар. Исломшунослик	
Абдукодиров Ж. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида физика фанидан ностандарт масалаларни ечиш учун талаб этиладиган сифатларни шакллантириш	30
Alimkhanova N. Improving the teaching of scientific pedagogical creativity of eastern thinkers	33
Artikova N. O‘quvchilarning o‘qish savodxonligini oshirish pirls misolida	36
Asqarov B. Bo‘lajak maktabgacha ta‘lim tashkiloti pedagog xodimlarining badiiy-estetik kompetentligini rivojlantirishning amaliy-texnologik tizimi	39
Ахатжанов С. Мамлакатимизда демократик ислохотлар ривожда маҳаллий вакиллик органлари олдида турган айрим муаммоларнинг ечимлари хусусида	42
Ахмедова Д. Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари	46
Azamova B. Bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarining geometrik tayyorgarligining nazariy asoslari	50
Bannayeva M. Eshitishda nuqsoni bo‘lgan boshlang‘ich sinf o‘quvchilarning matematik kompetensiyalarini shakllantirishda texnologik yondashuv	53
Бекназарова С., Ганиева Ш. Инсоннинг ҳақиқий муҳитдаги хатти-ҳаракатларини виртуал реаллик асосида яратиш методлари ва технологияси	56
Jamolova S. Kompleks o‘zgaruvchili ifodalarni matematik statistikada qo‘llash	60
Jumayev S. Molekulyar biologiya fanini o‘qitishda o‘quv-ijodiy faoliyatini rivojlantirishda masala va mashqlardan foydalanishning pedagogik asoslari	63
Жўраев А., Байчаев Ф., Бахранова У. Физика фанидан кон-металлургия sanoatiga oid kasbii yunaltilgan masalalarni shakllantirish	66
Инагамова М. Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига оид айрим мулоҳазалар (Ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларининг ўзаро хос хусусиятлари)	69
Исмоилова Д. Тарбия иши педагоглари тийёрлаш механизмларининг назарий масалалари	72
Jankalo‘g‘lu Y. Ko‘kaldosh madrasasi	72
Касимов А. Маҳаллий бюджетлар ижроси устидан депутатлик назорати амалиётининг қўллашда номарказлаштиришнинг аҳамияти	78
Касимова Э. Янги Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик тамойиллари	81
Qarshiyeva F. Muhammadjon Hakimovning “Alisher Navoiy asarlarini ko‘chirgan hattotlar” nomli risolasining ilmiy ahamiyati	85
Qo‘ldasheva M. Talabalarda tanqidiy fikrlashni rivojlantirish texnologiyalaridan foydalanishning zamonaviy usullari	87
Қурбонова М. Ўқувчиларда мусикани бадий идрок этиш орқали ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари	90
Mamatisayeva S. Eshitishda nuqsoni bo‘lgan o‘quvchilar ta‘lim tarbiya jarayonini tashkil etishning huquqiy – me‘yoriy asosi	93
Маматкулов Д. Чор Россиясининг мустамлакачилик мафқураси ва жаҳидчилик ҳаракати	96
Mamatqosimov J. Bo‘lajak rejissorlarning sahnaviy madaniyatini yuksaltirishda milliy teatr an‘analarining pedagogik ahamiyati	100
Mamatqosimova N. Bo‘lajak madaniyat xodimlarining badiiy tafakkurini takomillashtirishda teatr san‘atining ahamiyati	103
Маркендуди М. Психологическое просвещение по профилактике зависимости от психоактивных веществ среди студентов высших учебных заведений	106
Muminova D. Yoshlarning ilmiy va ijodiy faoliyatida kitobxonlikning o‘rni	110
Narzullaeva B. Mahallalarda millatlararo do‘stlik aloqalarini rivojlantirishning hozirgi holati	113
Нафасов Ф. Кредит-модуль тизими асосида бўлажак математика ўқитувчиларнинг когнитив компетенциясини ривожлантириш	116
Nafasov D. Theoretical and pedagogical aspects of developing students’ socio-cultural competence	119
Norbekova B. Shaxsda etnopsixologik xususiyatlar shakllanishining psixologik mexanizmlari	122
Nurbaeva H. Talabalarda milliy va umuminsoniy qadriyatlariga nisbatan munosabatlarni rivojlantirish bag‘ishlangan ilmiy tadqiqodlar tahlili	125
Otajonov J., Ikromova M. Maktabgacha ta‘lim tashkiloti tarbiyalanuvchisining axloqiy tarbiyasini shakllantirish	128
Pulatov J. O‘zbekistonda o‘quvchi-sportchilarni professional ta‘limga yo‘naltirishning normativ-huquqiy va tashkiliy-pedagogik asoslari	131
Сабиров Н. Фуқаролик жамияти тушунчаси: генезис, назария ва амалиёт	135
Саидмуратова М. Билим олиш орқали китоб ўқишга қизиқишни шакллантириш	138

Sultonov Sh. 14-15 yoshli erkin kurashchilarning mashg'ulotlar rejasini haftalik mikrosikillarda samarali tashkil qilish metodikasi.....	139
Тошев О. Мультикультурализм сиёсати: кўпмаданиятли жамиятларда хавфсизлик кафолати сифатида (Марказий Осиё ва Ўзбекистон контекстида)	141
Тошпўлатова М. Тил ўқитишда корпусга асосланган ёндашувга оид тадқиқотлар шарҳи	144
Turg'unov A. Atom tuzilishi mavzusini tushuntirishda venn diagrammasidan foydalashish.....	147
Fayzullayev B., Tursunmetov K., Xolboyev Y. Elementar zarrachalarning standart modeli va o'zaro ta'sirlashuvlarni o'rganish metodikasi (2-qism)	150
Khakimov O., Jaloliddinova S. Depressiyaning inson hayotiga ta'siri	153
Xojiyeva S. Bo'lajak kimyo o'qituvchilarining 4+2 amaliyotida metodika tayyorgarligini rivojlantirish	156
Xolmatova Z. O'quvchilarda kompetensiyalarning shakllanganlik darajasini diagnostika qilish usullari.....	159
Khudaykulova F. Actual problems of preparing primary classes for international assessment research programs (girls, timss, example).....	162
Xusanova F. Boshlang'ich sinf o'quvchilariga to'garaklarda kombinotorika elementlarini o'rgatish yo'llari	165
Хайдарова С. Бўлажак география фани ўқитувчисининг касбий компетентлигига қўйилдиган талаблар	168
Shadiyeva N., Jo'rayev A., Shoimov A. Bo'lajak o'qituvchilarni kasbiy faoliyatga tayyorlashda dasturiy ta'lim vositalarining o'rni.....	171
Шайманова А. Интеллектуал мулкдорлар катламининг инсон манфаатларини рўёбга чиқаришдаги ўрни	174
Шоназаров У. Жисмоний маданиятни ривожлантириш илмий парадигмаларига доир баъзи мулоҳазалар	177
Эгамбердиева Т., Болтаева М. Бўлғуси тарих ўқитувчиларда тарихий идеалларга доир билимлари асосида умуммаданий компетентликни ривожлантиришнинг назарий-услубий жиҳатлари.....	180
Yuldashev D. Jamiyatni modernizatsiyalashda yoshlar siyosiy va huquqiy ongini takomillashtirish omillari	183
Филология	
Абдувахובה М. Фольклор дискурсининг паратекстуал имкониятлари	186
Абдулхаева М. Ўзбек тилшунослигида синоним турларини ўрганилиши	189
Алибекова З. Ўзбек тилшунослигида абстракт отлар муаммоси.....	192
Allayarova Z. O'zbek tilidagi o'z qatlam agroterminlarining lisoniy-struktur xususiyatlari va o'zbek tilini boyish manbalari	195
Аннакулова У. Саломат Вафо и её герои в фольклорной оправе	199
Axmedova D., Nuriddinova D. Izohli lug'atdagi semantik izohlar va ularni semantik kengaytma sifatida qayta ishlash	203
Базаров С. Нормурод Норқобилов романларида образ табиати ва руҳий изтироблар тасвири	207
Бекмуротова Ш. Замоновий немис тилидаги жуфт сўзлар ва уларнинг универсал характери	210
Бердиева Р. Фразеологик бирликларни семантик-структур ўзгартириш (сўз кистириш)	214
Bolibekova M., Bahronova M., Jabbarov Z., Musinova Z. Semantic analysis of terms relating to the field of soil science	218
Goipova S. O'zbek tilida "Ko'ngil" leksik-semantik maydonining tadqiqi	221
Имянинова Ш. К вопросу об особенностях фразеологизмов и терминологического хаоса во фразеологии немецкого языка.....	224
Исмоилова Н. "Қуръони Карим" теолингвистик тадқиқот объекти сифатида	227
Йўлдашева Х. Бадиий матннинг адресант омилига асосланган социопрагматик типлари.....	230
Kurbanova Ch. Abdulla Oripov she'riyatida mifologik obrazlar.....	234
Qarshiyeva F. Muhammadjon Hakimovning "Alisher Navoiy asarlarini ko'chirgan xattotlar" nomli risolasining ilmiy ahamiyati	238
Qodirova R. No'mon Rahimjonov faoliyati adabiyotshunoslar nigohida.....	241
Мадиева М. Брендларнинг номланишида экстралингвистик омиллар.....	244
Маматкулова Ф. Кулинароним таркибли фразеологизм ва мақолларни қиёсий лингвимаданий жиҳатдан ўрганиш	247
Мамурова М. "Ғазнавийлар" романининг бадиияти.....	250
Махмудова М. Қариндошлик маъноли баъзи изоҳловчилар генезеси.....	253
Нурманова С. Сирожиддин Саййид шеърларида меҳр лисоний мужассамлашуви	256
Rasulova H. Maktabgacha ta'lim sohasini rivojlantirishda xorijiy ta'lim tajribalaridan foydalanishning nazariy metodologik asoslari	259
Садуллаев Ф. Ҳенри Жеймс ижодида инсон руҳияти тасвирининг бадиий-эстетик вазифалари	263
Toshpo'latova X., Normamatov F. Reklama shiorlari tarjima birligi sifatida	267
Тўракулова О. Тиббий терминологиянинг этимологик ва функционал жиҳатлари	266
Fauziyeva S. Abdulhamid Majidiy-mumtoz adabiyot munaqqidi.....	269
Хамдамова Г. Мақоллардаги маъно хусусиятлари.....	272
Ҳожиев Ю. Тилшуносликда "дўстлик" концепти орқали миллий характерларнинг фарқлиниши	275
Choriyeva A. Sinxron tarjimada frazeologik birliklarni tarjima qilish usullari	278
Шамсиева М. Билингвал болалар тил қобилятлари тадқиқи	281
Шарипова Г. Стереотип как традиционной национальной картины мира	285
Шоймардонов И. Болалар ўйин фольклорида бадиий тасвир воситаларининг ўрни.....	287
Yuldashev F. "Ma'naviyat" leksik-semantik kategoriyasining mikrosistemalari	290



Феруз САДУЛЛАЕВ,

Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси

E-mail: feruz.sadullaev@mail.ru

ЎзДЖТУ доценти, PhD Б.Б. Тўраева тақризи асосида

ХЕНРИ ЖЕЙМС ИЖОДИДА ИНСОН РУҲИАТИ ТАСВИРИНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК ВАЗИФАЛАРИ

Аннотация

Мазкур мақолада Хенри Жеймс ижоди, асарларининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда мазкур ижод намуналарида инсон руҳияти тасвирининг бадиий-эстетик вазибалари, муаллиф ижоди, даврийлаштирилиши, ижодий босқичларда яратилган романларнинг услубий ўзига хосликлари, романларнинг вужудга келиши, тарихи, ёритилган мавзулар ва унда аёл қахрамонлар руҳий оламнинг бевосита ва билвосита тасвирланиши, қахрамонлар тасвирининг специфик хусусиятлари, Ҳ.Жеймснинг психологик таҳлил маҳорати сингари масалалар таҳлилга бағишланган.

Калит сўзлар: модернизм, реализм, Америка адабиёти, ёзувчи, онг оқими, роман, ички монолог, психологик манзара, психологик деталь, руҳият.

ХУДОЖЕСТВЕННО-ЭСТЕТИЧЕСКИЕ ЗАДАЧИ ОПИСАНИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОЙ ДУШИ В ТВОРЧЕСТВЕ ГЕНРИ ДЖЕЙМСА

Аннотация

В данной статье творчество Генри Джеймса, специфические стороны его произведений, а также художественно-эстетические задачи изображения человеческой психики в данных образцах творчества, авторское творчество и периодизация, стилистические особенности романов созданных в творческих этапах, затронутые темы и прямое отражение духовного мира женских персонажей и косвенное описание, специфические характеристики персонажей, мастерство психологического анализа автора обсуждается.

Ключевые слова: модернизм, реализм, Американская литература, поток сознания, роман, внутренний монолог, психологический пейзаж, психологическая деталь, душевный мир.

LITERARY AND AESTHETIC TASKS OF DESCRIBING THE HUMAN SOUL IN THE WORKS OF HENRY JAMES

Abstract

In this article, the works of Henry James, the specific aspects of his works, as well as the artistic and aesthetic tasks of depicting the human psyche in these samples of creativity, authorial creativity and periodization, stylistic features of novels created in creative stages, the topics covered and a direct reflection of the spiritual world of female characters and indirect description, specific characteristics of the characters, the mastery of the author's psychological analysis are discussed.

Key words: modernism, realism, American literature, stream of consciousness, novel, inner monologue, psychological landscape, psychological detail, inner world.

Кирриш. Адабиёт сўз санъати сифатида бир неча асарлардан буён инсон қалбини ларзага солишда давом этаётир. Мазкур дурдона намуналар адабий тараққиётнинг тарихида чуқур из қолдириб, кейинги авлод бошлаб беражак янги жанрлар вужудга келишида муҳим роль ўйнайди. Америка адабиётида XIX асрда бошланиб, хатто XX асрда ҳам бадиий адабиётда ўз аҳамиятини йўқотмаган реализм йўналиши ривожда салмоқли ҳисса қўшган ҳамда психологик реализмнинг тамал тошини қўйган ижодкорлардан бири Ҳ. Жеймсдир.

Ҳ. Жеймс XIX асрнинг сўнгги икки ўн йиллигида ҳамда XX асрнинг дастлабки декадасида “Daisy Miller” (1879), “The Portrait of a Lady” (1881), “The Bostonians” (1886), “The Ambassadors” (1903) сингари хикоя ва романларни яратган моҳир носирлардан бири сифатида АҚШ реалистик адабиётида ўзининг индивидуал услубини намоён эта олган адибдир. Унинг исми отасининг шарафига қўйилган бўлиб, падари ўз даврининг етук ижтимоий фаоли ҳамда назарийгисини, маърузалари билан ҳукмрон жамиятда муқим ўрнига эгалла боис фарзанд тарбиясида алоҳида эътибор қаратади. Натижада оиланинг ҳар иккала фарзанди муваффақият эгалари бўлиб, ақаси психология соҳасида “онг оқими”нинг асосчиси У. Жеймс ва адабиёт намояндаси Ҳ.Жеймс АҚШ тарихида ўчмас из қолдиришди. Болалигидан китобсевар

Ҳенри оилавий муҳит сабабли ўз даврининг энг пешқадам даргоҳлари ва устозларнинг таълими ҳамда тарбиясини олади. Шунингдек, Европанинг Женева, Париж, Лондон каби машҳур пойтахтларига маълум муддат килинган саёҳатлар натижаси ўларок, йигитлар француз, немис, инглиз, испан сингари бир неча тилларда мулоқот қила оладиган бўлиб улғайишди. Гарчи ўн тўққиз ёшида Гарвард ҳуқуқшунослик мактабининг толиби бўлган бўлса ҳам, Ҳенрининг китобларга бўлган муҳаббати уни О.Бальзак, Н.Ҳосорн, И.Тургеневларнинг бадиий оламига анча ошно қилган эдики, талабалигининг иккинчи йилини яқунламасданок ўзининг илк хикоясини аноним тарзда нашрдан чиқаради. Хусусан, даврнинг пешқадами У.Д.Ҳоуэлс билан дўстлашув унга ёзувчи сифатида муваффақиятга эришишида замин бўлди.

– **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Ҳ.Жеймс ижоди ҳаётлигида адабиётшунослар томонидан илиқ кутиб олинмади, аммо АҚШ адабиётида модернизм тараққиоти туфайли унинг асарлари инсон руҳиятига тегар кириб бора олгани, психологик нарий асарларидаги ўзига хос ёндашуви билан адабиётшуносларнинг эътиборини тортди. Д.М.Скура муаллиф ижодига бағишлаб ёзилган илмий манбаларни яқиндан ўрганиб чиқгач, изланишларининг самараси ўларок маълумотнома қўлланма ишлаб чиқади.

Китобининг муқаддимасида ёзувчининг ижоди хусусида фикрларини баён этар экан, 1960-1974 ораллигида икки мингга яқин китоблар, мақола ҳамда диссертациялар ёзилганини қайд этади [10]. Якуний хулосаларини изоҳлаб, Х.Жеймс асарларининг бадиияти, жанрий хусусиятлари талқинининг теран илмий таҳлилини келтирган адабиётшунослар қаторига Л.Эдел, Д.Жефферсон, Ф.Дюпи, Б.МакЭлдерли, Д.Аббел, Г.Путт, Л.Пауэрс, О.Каржиллис сингари атоқли мунаққидлар номини киритади. Табиийки, муаллиф ижодининг бу қадар тадқиқотлар предмети бўлганининг моҳияти нимада экани диққатимизни тортди. Ўрганишлар натижасида ижодкорнинг роман ва киссалари турли аспектда ҳамда ракурсда тадқиқи амалга оширилгани, аммо тизимли тадқиқот мавжуд эмаслигининг гувоҳи бўлди. Шунинг учун мазкур параграфда биз айнан инсон руҳияти тасвирида Х.Жеймснинг индивидуал услуби, турли ижодий даврларда ёзилган романларининг бадиий ўзига хосликлари, услубиятдаги умумийлик ҳамда фарқли жиҳатларни яхлит тарзда таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

– Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Х.Жеймс АҚШ адабиётида сермахсул ижод қилди, “The American”, “Washington Square” сингари ўндан ортиқ романлар, “Watch and Ward”, “Daisy Miller”, “Confidence”, “The Europeans” каби ўнга яқин киссалар, “The Story of a Year”, “The Turn of the Screw”, “Covering End” каби юздан ортиқ ҳикоялари, “Portraits of Places”, “English Hours”, “Italian Hours”, “The American Scene” сингари ўндан зиёд саёҳатномалари, “Notes on Novelists”, “The Question of our Speech”, “The Art of Fiction” каби кўплаб адабий мақолалари, “A Small Boy and Others”, “Notes of a Son and Brother” сарлавҳали автобиографияси, “Theatricals” пьесаси муаллифи сифатида ўчмас из қолдирди. Унинг романнавис сифатида ижоди уч босқичга бўлиб ўрганилади, аммо даврлаштиришда баҳсли фикрлар мавжуд, [8] аммо қуйида келтирилган романтистик даврлаштириш энг мақбул вариант деган фикрдамиз. Улар ёзувчининг дастлабки ижодий даврида асосан кичик насрий жанрда асарлар яратгани; кейинчалик кўпроқ роман жанрида ижод қилиб, Европа ҳамда европаликлар тасвирига алоҳида эътибор қаратгани; асосий босқичда инсон руҳияти тасвирида изчилликга эришгани каби жиҳатлар устуворлигига кўра:

I. A Lengthy apprenticeship (Шогирдлик йиллари) – 1864-1881;

II. The Middle Years (Ўрта давр) – 1882-1899;

III. Major phase (Асосий босқич) – 1900-1916.

Х.Жеймс ижодининг дастлабки босқичида кўплаб ҳикоялар ва киссалар ёзди, айнан улар қатта эпик турда асарлар яратиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Мазкур даврда унинг фақат иккита романи: “The American” ҳамда “Washington Square” вужудга келди.

“The American” (1877) ёзувчининг дастлабки романи ҳисобланиб, гарчи бадиияти жиҳатидан бошқа ижод намуналарига қараганда кучсизроқ туюлсада, мавзуйи қамрови анча кенг асардир. Романда бош қаҳрамон Кристофер Ньюмен (Christopher Newman) орзусидаги ҳаётни истаб Парижга келгани ва у ерда кўрган-кечирганлари ҳикоя қилинади. Бош қаҳрамон исми-шарифи ҳамда сарлавҳани ўзидаёқ китобхон асар муаллифи нимага ишора қилаётганини англаб олиши мумкин. Носир америкаликлар ҳақида роман яратаётиб, китъани кашф қилинишига сабабчи инсон (Христофор Колумб) аслида мазкур маконда янги келган одам (new – янги, man – одам) эканига урғу бераётганини, ҳақиқатда роман қаҳрамони ҳам янги борган муҳитида жиддий вазиятларга дучор бўлишини тасвирлайди. Роман воқеликни ифодалашда, жанрий хусусиятларига кўра камчиликлардан холи эмаслиги айтиб ўтилган [8]. Аммо

диққатга сазовор жиҳати шундаки, адиб асарда инсоншунос сифатида ҳаёт фалсафасини илгари суради. Бош қаҳрамон оқил ва ҳалол инсон бўлгани сабабли ўз тақдирининг тутқунига айланади, аммо у ўз манфаати йўлида қасоскорлик ҳам қила олмайди, чунки табиатан Ньюмен бундай инсон эмас. Бундай инсонлар реал ҳаётда ҳам, бадиий оламда ҳам ўз инсоний принципларига қарши чиқмасликлари, инсоний фазилятларини сақлаб қолишлари асарда моҳирона ёритилади. Бу муаллифнинг дастлабки романий тажрибаси бўлиб, илк асаридаёқ қалб софлиги, унинг бебаҳо қиймати ҳақида етарли ҳаётий хулосаларга келганини намён этади.

– **Таҳлил ва натижалар.** “Washington Square” (1880) Х.Жеймснинг давр муаммолари изчил ёритилган эътиборли романларидан бири бўлиб, муаллиф унда бойлик, манфаат ҳамда шухрат инсон ҳаётини барбод қила олишини тасвирлайди. Романнинг бадиий хусусиятлари ҳақида Р.Э.Лонг, Д.Ж.Шнайдер, Э.Д.Либёрн, Р.Пойрер каби адабиётшунослар муҳим фикрлар билдиришиб, ундаги комиклик ҳисси билан йўғрилгани, ёзувчи бадиий маҳорати, асардаги фожеавийлик ҳамда комикликнинг мувозанати, романда кўлланган рамзий деталлар ва персонажлар психологик ҳолати тавирида уларнинг роли, асарда инсонга мато сифатида муомала қилиниши, эркинлик ҳамда тутқунлик масалалари ифодаси, ота ва фарзанд муносабатлари, фарзандлик бурчини бажаришдаги мураккаб руҳий кечинмалар қаҳрамонлар тақдири мисолида таҳлили келтирилади.

Айниқса, психологик романда кўп учрайдиган параллел қаҳрамонлар тасвири Р.Э.Лонг мақоласида батафсил таҳлилга тортлади. Роман персонажлари – бош қаҳрамон, Кэтриннинг отаси Др.Слопер ва унга уйланимоқчи бўлган йигит Моррис Таунсэндларнинг руҳий тасвири параллеллик касб этади. Бир неча йиллар илгари меросхўр кизга уйланиб, оиласида ва касбда муваффақият, бойликга эришган Др.Слопер кизининг Моррис Таунсэндга турмушга чиқишига қарши чиқиб, кизини аёллик бахтидан жудо қилиб, бир умр ёлғиз ўтишига сабабчи бўлади. Адабиётшунос истаклари йўлида ҳар иккала эркак Кэтринга ўзларининг мулкларидек муносабатда бўлишларини, айнан қаҳрамонлар орасидаги нафрат ва зиддият улардаги умумийликни ифодалашини таъкидлайди [1]. Ҳар иккала персонаж ўзаро кечаётган муносабатларидан огоҳ, аммо бир-бирларига ён беришни исташмайди, ҳар иккаласи шахсий манфаати йўлида содда ва беғубор кизнинг хисларини оёқ ости қилишади.

Р.Э.Лонг параллел қаҳрамонлар тақдирини Вашингтон Сквердаги уй билан боғлайди. Биргина уй эгалари саёҳатга кетганида хихматкор хоним марҳамати билан маълум муддат ҳашаматли хонадонда яшаган Моррис Таунсэнд тасвири унинг аслида қандай инсон эканига китобхонга қилинган бевосита ишорадир, десак хато бўлмайди. “He had his chair – a very easy one at the fireside in the back parlour (when the great mahogany sliding-doors, with silver knobs and hinges, which divided this apartment from its more formal neighbour, were closed), and he used to smoke cigars in the Doctor’s study, where he often spent an hour in turning over the curious collections of its absent proprietor. He thought Mrs. Penniman a goose, as we know; but he was no goose himself, and, as a young man of luxurious tastes and scanty resources, he found the house a perfect castle of indolence. It became for him a club with a single member” [12]. Ҳашаматли, мафтункор ҳамда қасрنامо мазкур уй Др.Слопернинг жамиятдаги мавқеи, қаҳрамоннинг ўзига нисбатан ижтимоий баҳоси, руҳий ўзлиги сифатида тасвирланади. Моррис Таунсэнднинг исми шарифи ҳам рамзий маънога эга. Шаҳарнинг

чеккасида (town – шаҳар, end – охир, сўнг) бева опаси билан машаққатли турмуш кечириётган ёш йигитнинг орзулари бисёр, у яшаётган камсуқум хонадон ҳам унинг жамиятдаги ўрни, ижтимоий мавқеи рамзи бўлиб келган бўлса, Вашингтон Сквердаги дангиллама уйга муносабати ва интилиши унинг истаклари, келажагини ифодаловчи рамзidir. Мазкур уй тасвири романдаги воқеалар ривожиди устунлик қилади. Уй хўжайини ҳамда даъвогар орасида роман воқеалари силсиласида тизгинсиз ҳам ташқи, ҳам ички-руҳий тўқнашув боради. Уй манзараси орқали қахрамон руҳиятини тасвирлаш ёзувчи маҳоратининг ўзига хослигини белгилаб беради, мазкур психологик манзара персонажлар ички дунёсини англаш йўлчи маёқ вазифасини ўтайди.

Романда чин инсоний фазилатлар соҳибаси, бош қахрамон Кэтрин Слопер бўлиб, ундаги дил туғёнлари, руҳий кечинмалари ифодасига кўра, уни “The American” асаридagi бош қахрамон Кристофер Ньюменга ўхшатиш мумкин. Ҳар иккала асарда ҳам соф инсоний муҳаббат, ўзаро ҳурмат каби фазилатлар улуғланиб, бу ҳислатлар романлардаги протагонистларда мужассамланади. Ёзувчи ҳар иккала ижод намунасида бош қахрамонларини типиклаштиришга уринади, миллатдошларида мавжуд бўлишини жуда истаган чин инсоний хусусиятларни алқайди.

Ижодининг иккинчи даврида кўплаб романлар ёзилган бўлиб, улар “The Portrait of a Lady”, “The Bostonians”, “The Princess of Casamassima”, “The Tragic Muse”, “The Other House”, “The Spoils of Poynton”, “What Maisie Knew”, “The Awkward Age” асарларидир. Мазкур жанрда яратилган ижод намуналари дастлабки босқичда мавжуд романларга қараганда анча мукамалроқ бўлиб, адибнинг романнавис сифатида мавқеи мустаҳкамлангани кузатиш мумкин. Ҳ.Жеймс романларининг буюклигини уларнинг аҳамияти, кўлами,

жозибаси, савияси белгилаб берди. Муаллиф асарларининг муҳимлигини воқеалар тасвиридаги ҳар бир деталга қаратилган жиддий эътибор, дақиқалардан аҳамиятли сонияни камраб олиш, муносабатлардаги муруққабликлар ҳамда ривоядаги теранлик таъминлайди. “The Portrait of a Lady” (1883), “The Bostonians” (1886), “The Princess of Casamassima” (1886), “The Tragic Muse” (1890) “The Other House” (1896), “The Spoils of Poynton” (1897), “What Maisie Knew” (1897), “The Awkward Age” (1899) романлари бир босқичга мансуб романлар бўлса ҳам, уларнинг бадиий хусусиятларида турфалик мавжуд.

“The Portrait of a Lady” романи Ҳ.Жеймснинг машҳур асарларидан бири бўлиб, мунаққидлар томонидан юксак баҳоланган ижод намунаси саналади. Асарда ёш америкалик аёл Изабел Арчернинг тақдир зарбаларини мардонавор қарши олиши тасвирланади. Ёзувчининг кўплаб ижод намуналари учун макон вазифасини Европа ўтагани боис, мазкур романда ҳам воқеалар Англия ва Италияда бўлиб ўтади. Ҳ.Жеймс романларини бирлаштириб турувчи хусусиятлардан бири шуки, бош қахрамонлардаги самимийлик, соддалик ва ҳалоллик уларни реал инсонларга яқинлаштиради. Уларнинг барчасида занф нуқталари мавжуд бўлиб, атрофидаги инсонлар ундан фойдаланишга уринишади, аммо улар асардаги шижоатлиликлари билан ўзликларига хиёнат қилишмайди. Адиб мазкур романида инсон идрокини теранроқ таҳлил қилишга, ундаги руҳий ҳолатни чуқурроқ ўрганишга, психологик вазиятларни изчилроқ баён қилишга ҳаракат қилади.

Ҳ.Жеймс ҳам романларида руҳий тасвирда ўзига хос йўлдан борди, унинг психологик тасвир услуби турли омилларга таянган ҳолда намоён бўлади. Психологик тасвир эса бевосита ҳамда билвосита турларга бўлиниб, бир қатор компонентлардан таркиб топади.

Бевосита руҳий тасвир	Билвосита руҳий тасвир
Онг оқими	Ҳаракат
Ички монолог	Персонаж нутқи
Муаллиф нутқи	Мимика
Ретроспекция	Табиат тасвири
Туш, хаёл, тасаввур	Образ
	Мотив
	Психологик деталь

Мазкур жадвалда бевосита ҳамда билвосита руҳий тасвирга кирувчи компонентларни ажратиб олган ҳолда, кейинги таҳлилларимизда айнан “The Wings of the Dove” романида Ҳ.Жеймснинг руҳият тасвирида маҳорати хусусида тўхталиб ўтамиз.

“The Wings of the Dove” романининг бош қахрамони Милли Тил типик америкалик киз образи сифатида гавдалантирилади. Аслида Ҳ.Жеймс 1870-йилда сил касалидан вафот этган суюкли жияни Мэри (Минни) Тэмпл (Mary (“Minny”) Temple) хотирасини абадийлаштириш мақсадида бир неча романларида унинг образини яратади. “The Portrait of a Lady”да Изабел Арчер, “The Golden Bowl”да Мэгги Вервер тимсоллари бунга мисол бўла олади, аммо руҳий тасвир таҳлили мақсад қилинган мазкур романдаги Милли Тил образиди прототипга ўхшашлик мукамаллашувга эришган.

Романда бошидан охиригача бош қахрамон кўриниш бермайди, бироқ унинг барча қисмларда бошқа персонажларга таъсири, воқеалар ривожиди устунлиги сезилиб туради.

Хулоса ва таклифлар. Ҳ.Жеймснинг психологик реализмининг натурализмдан фарқловчи жиҳати ҳам қахрамонларининг руҳий таҳлилида эришган изчиллигида бўлди. Унинг образлари натуралистик қахрамонлар сингари бечораҳол ёки жамиятнинг тазийкига учраган жабрдийдалар эмас, улар давлатманд инсонлар, аммо муаллифнинг психологик таҳлили мазкур персонажлар мураккаб руҳий жарабдан азият чекишларини намоён этади. Руҳий тасвирнинг бевосита ҳамда билвосита усулларини моҳирона қўллаган адиб китобхонга йиллар ўтса ҳам залвори тўқилмайдиган ўғитларни етказа олади.

АДАБИЁТЛАР

1. Bloom, Harold. Henry James. - Broomall, PA: Chelsea House Publishers, 2002. – P.120.
2. Гинзбург Л. О психологической прозе. – Л.: Художественная литература, 1977. – С.448.
3. Edel L. The Modern Psychological novel. – N.Y.: Grosset & Dunlap, 1964. – P. 222.
4. Canby H.S. Turn West, Turn East: Mark Twain and Henry James. – Boston: Houghton Mifflin, 1951. – P. 273.
5. Critical Insights. Henry James. Edited by Hubbard T. – N.Y.: Grey House Publishing, 2016. – P.302.
6. Cuddon J.A. Dictionary of Literary Terms & Literary Theory. – E: Penguin Books, 1999. – P. 991.
7. Kennedy R.S. Thomas Wolfe: A Harvard Perspective. – USA.: Croissant, 1983. – P. 136.

8. McElderry, Bruce R., Jr. Henry James. – N.Y.: Twayne Publishers, 1965. – P.1965. – P.200.
9. Scotchie J. Thomas Wolfe Revisited. – USA.: Land of the Sky Books, 2001. – P.164.
10. Scura, Dorothy McInnis. Henry James, 1960-1974 : a reference guide. - Boston : G.K. Hall, 1979. – P.520.
11. Тўраева Б. Адабиёт назарияси. – Т.: Эффект-Д, 2020. – Б.164.
12. <https://www.gutenberg.org/files/2870/2870-h/2870-h.htm>
13. <https://www.bartleby.com/311/42.html>
14. <https://lithub.com/the-secrets-and-silences-of-the-golden-bowl/>